

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА КЎРСАТИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Аманиязова Света Байниязовна,  
Қарақалпоқ давлат университети ўқитувчилари

Альниязов Даулет Айтмуратович  
Қарақалпоқ давлат университети ўқитувчилари

### Аннотация

Ушбу мақолада давлат хизматларини электрон шаклга ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ва хуқуқий тартибга солиш асослари таҳлил қилинган. Мақолада миллий ва хорижий қонунчилик нормалари, хорижий давлатлар тажрибалари асосида электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг хуқуқий механизмлари ўрганилган ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Давлат хизматлари, электрон давлат хизматлари, очиқлик, шаффоффлик, электрон хукумат.

### Аннотация

В данной статье анализируются особенности перевода государственных услуг в электронную форму и основы правового регулирования. В статье исследуются правовые механизмы предоставления электронных государственных услуг на основе отечественных и зарубежных правовых норм, опыта зарубежных стран, предложений и рекомендаций по совершенствованию.

**Ключевые слова:** Государственные услуги, электронные государственные услуги, открытость, прозрачность, электронное правительство.

### Annotation

This article analyzes the specific features of the transfer of public services to electronic form and the basis of legal regulation. The article examines the legal mechanisms of providing electronic state services based on national and foreign legal norms, experiences of foreign countries, and offers and recommendations for improvement.

**Keywords:** Public services, electronic public services, openness, transparency, electronic government.

Давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш фаолияти “электрон хукумат” тизими орқали таъминланар экан, давлат хизматларини анъанавий ва электрон шаклда амалга оширилишининг ўзига хос

хусусиятларини, фарқларини илмий тадқиқ қилиш зарурлигидан келиб чиқиб, олимларнинг бу борада билдирилган қарашларига мурожаат қиласиз.

А.Е.Шаститко “давлат хизматлари давлат билан мурожаат қилувчи ўртасидаги муносабатда юзага келадиган давлатнинг оммавий функциялари” дея ушбу функциялар қаторида лицензиялаш, сертификатлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, маълумотнома бериш, мулкни рўйхатдан ўтказиш каби функцияларни тушуниш кераклигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Аммо, Б.М.Лазарев ундан фарқли равшда бу хизматлар маълум бир пул мукофоти амалга оширилишини таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>.

С.А.Шайдуров эса давлат хизмати ижро этувчи ҳокимият органларининг функциясида акс эттирилишини таъкидлай ўтириб, “...унинг мақсади фуқаролар ва юридик шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш ва қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ва ташкилотларга давлат томонидан ёрдам бериш ва имтиёзлар беришда намоён бўлади” дея фикрини билдирадиз.

Ҳукуқшунос олим Э.Т.Хожиев «давлат хизматини давлат органида маълум бир мансабни эгаллаб турган шахс томонидан, давлат вазифалари ва функцияларини бажариш мақсадида ҳокимият-ваколатларининг амалга оширилишига қаратилган касбий фаолиятидир»<sup>4</sup> дея таърифлайди.

Назаримизда, ҳуқуқий институт сифатида, давлат хизматлари тушунчалиги, албатта, қонун доирасида аниқ белгилаб берилган бўлиши лозим. Чунки ҳар бир давлатда унинг хусусиятларидан (давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, қонунчилиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви ва х.к.лардан) келиб чиқадиган ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Кўпгина давлатларда давлат-хизмат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунлар қабул қилинган.

Масалан, Қозогистон Республикасининг 2015 йил 23 ноябрьда қабул қилинган «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонуниз 1-моддасида; Белорусия Республикасининг 2003 йил 14 июндаги «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонуни<sup>6</sup> 2-моддасида; Қирғизистон Республикасининг давлат хизмати тўғрисида<sup>7</sup>ги Қонуни<sup>7</sup>нинг 2-моддасида давлат хизматлари тушунчасига таъриф берилган.

Ўзбекстон Республикасида «**давлат хизмати** — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат» дея «Электрон ҳукумат тўғрисида»<sup>8</sup>ги Қонунида баён этилган. Бунда қонун чиқарувчи давлат органларининг давлат хизматини кўрсатиш

<sup>1</sup> Шаститко, А. Организационные рамки предоставления публичных услуг / А. Шаститко // Вопросы экономики. – 2004. – № 7. – С. 150-157. – DOI 10.32609/0042-8736-2004-7-150-157. – EDN PJEZXN//URL:

<https://elibrary.ru/item.asp?id=18242124&ysclid=l7wwx49kvi150724238> (мурожаат қилинган вақт 20.10.2021)

<sup>2</sup> Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.

<sup>3</sup> Шайдуров С. А. Функция по оказанию государственных услуг: особенности и место среди иных функций государственных органов исполнительной власти // Журнал российского права. 2012.№ 9.С. 120.

<sup>4</sup> Хожиев Э.Т., Исмаилова Г.С., Рахимова М. А. Давлат хизмати : ўкув қўлланма //. –Тошкент: Baktria press, 2015 – 16 6.

<sup>5</sup> URL: <https://online.zakon.kz> (мурожаат қилинган вақт 26.08.2021).

<sup>6</sup> URL: <https://pravo.by> (мурожаат қилинган вақт 26.08.2021).

<sup>7</sup> URL: [minjust.gov.kg](https://minjust.gov.kg) (мурожаат қилинган вақт 26.08.2021).

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни . ЎРҚ-395 сон 09.12.2015 йил қабул қилинган. //Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

билин боғлиқ фаолияти амалга ошишининг асоси сифатида ариза берувчиларнинг мурожаатларини назарда тутади.

Айтиш жоизки, давлат органлари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига АҚТни тадбиқ этиш: самарадорликнинг ошишига, зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш, хизматлар кўрсатиш ҳолатини кузатиш ва кўрсатилиш натижаларини олиш орқали фойдаланувчи томонидан давлат хизматларини олиш тартибини тезлаштириш ва соддалаштириш имканиятлари ўзи яратади.

Шундай экан, давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатишни фуқароларнинг (юридик шахсларнинг) ўз фаолиятини тан олиш, ташкил этиш, ўзгарттириш ёки тугатиш каби сўровлари ёки талабини бажариш юзасидан давлат функцияларини амалга оширишнинг янги усули ёки янги шакли<sup>10</sup> нуқтаи назаридан ҳам талқин этиш мумкин. Давлат хизматларини электрон шаклда амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилишда, биринчи ўринда Конституция нормаларига мурожаат этамиз.

Асосий Қонунларимиз жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб берувчи нормаларини мужассам этган, унинг матнида электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибига оид аниқ қоидалар мавжуд бўйлесада, унинг кўпгина нормалари уларни амалга ошириш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади, чунки ариза берувчининг ваколатли давлат органига ёки тегишли органга мурожаат қилганлиги сабабли, мурожаатни таъминлаш учун тегишли ташкилот замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда электрон давлат хизматини кўрсатиши инсон ва фуқароларнинг Асосий Қонунларда<sup>11</sup> назарда тутилган асосий ҳуқуқлардан бирини бевосита ифодалайди.

Электрон давлат хизматлари турлари, унга доир талабларни, электрон давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги сўров ва унга бериладиган жавобларга доир талабларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»<sup>12</sup>ги Қонунида акс эттирилган. Бундан ташқари электрон давлат хизматларини тартибга солиш бирнечта Қонунлар<sup>13</sup> билан ҳам тартибга солинишини қайд этамиз. Аммо, таъкидлаш керакки, назарда тутилган қонун ҳужжатларда давлат хизматларини электрон шаклда амалга ошириш тартиблари батафсил ёритилмаган.

<sup>9</sup> Djumaeva, G., & Shagilova, G. (2022). ELECTRONIC GOVERNMENT IN UZBEKISTAN: CURRENT SITUATION AND DEVELOPMENT PROSPECTS. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 2(1.4 Legal sciences).

<sup>10</sup> Кутыбаева Е. Д., Аманиязова С. Б. (2021). ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Вестник КГУ им. Бердаха. № 4 (53). 149 Б.

<sup>11</sup> Изоҳ. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалиқда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар [конунда](#) белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт» деб мустаҳкамлаб берилган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-395 сон 09.09.2015 йилда қабул қилинган. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. ЎРҚ-474-1-сон 29.08.1997 йилда қабул қилинган. //URL: <https://lex.uz/docs/40158> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида» ги Қонуни. ЎРҚ-502-сон 18.10.2018 йилда қабул қилинган.// URL: <https://lex.uz/docs/4000640>. (мурожсаат қилинган вақти 17.09.2021).

Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш ёки электрон шаклдаги маълумотларни тасдиқлаш усуллари билан боғлиқ масалалар бошқа қонунларда ўз аксини топган. Масалан: 02.07.2019 йилги ЎРҚ-547 сон Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»<sup>14</sup>ги Конуни; 05.05.2014 йилги ЎРҚ-369 сон Ўзбекистон Республикасининг “давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”<sup>15</sup>ги Конуни; 11.12.2003 йилги ЎРҚ-562-II сон «Электрон рақамли имзо тўғрисида»<sup>16</sup> ги Конунларини санаб ўтиш мумкин.

Шу Конунлар қаторида давлат хизматларини электрон шаклда амалга ошириш тартиблари, қоидалари айнан қонуности ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинишини кўриш мумкин. Хусусан:

Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 7-июньдаги 148-сонли Қарори<sup>17</sup>да электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг ўз ваколатларини амалга ошириш, улар ўртасидаги идоралароро ҳамкорликнинг таъминланиши юзасидан маъсулият АТКРВ Қорақалпоғистон худудий бошқармасига юклатилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 23 сентябрдаги 651-сон Қарори<sup>18</sup> билан электрон давлат хизматларини Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ва расмий веб сайтларда жорий этилишини таъминлаш, шунингдек Ягона портал орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини сонини ошириш каби вазифалар белгилаб олиниши эътиборга лойик.

Хориж давлатларида, хусусан Данияда - borger.dk портали; Эстонияда - X-Road платформаси; Кореяда бирнечта порталлар, масалан, божхона хизматлари - [www.g2b.go.kr](http://www.g2b.go.kr); солик хизматлари - [www.hometax.go.kr](http://www.hometax.go.kr); электрон фуқаролик хизматлар - [www.egov.go.kr](http://www.egov.go.kr) порталлари амалиётга жорий этилган.

Маълумки, шу каби Ўзбекистон Республикасида жисмоний ва юридик шахсларга электрон давлат хизматларини кўрсатиш давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталлари ([www.my.gov.uz](http://www.my.gov.uz)) орқали амалга оширилмоқда. Ва бугунги кунда давлатимизда давлат органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари “Давлат хизматлари ягона РЕЕСТРИ”га киритилган бўлиб, 716 банд ва прим бандлар билан бирга 750дан ортиқ, шундан давлат хизматлари марказлари орқали 162 ортиқ, Ягона портал орқали 340 ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Бу кўрсаткич хориж давлатларида, масалан Данияда давлат хизматларидан онлайн фойдаланишнинг қонуний мажбурий қилиб белгилаб қўйилиши билан деярли 100%и электрон шаклга

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Конуни ЎРҚ-547 сон 02.07.2019 йилда қабул қилинган. // URL: <https://lex.uz/docs/4396419> (мурожаат қилинган вақти 17.09.2021).

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ти Конуни. ЎРҚ-369-сон 05.05.2014 йилда қабул қилинган. // URL: <https://lex.uz/docs/2381133>. (мурожаат қилинган вақти 17.09.2021).

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Конуни. ЎРҚ-562-II сон 11.12.2003 йилда қабул қилинган. // URL: <https://lex.uz/docs/64467>. (мурожаат қилинган вақти 17.09.2021).

<sup>17</sup> Қарақалпақстан Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2016 йил 7-июньдаги 148-сонли Қарори. // Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi архив материаллари. 2016 й.

<sup>18</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 23 сентябрдаги 651-сон Қарори// //Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi архив материаллари. 2017 й.

ўтказилган, Эстонияда 99% давлат хизматлари электрон шаклда, фақат никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш, кўчмас мулк сотиб олиш учун анъанавий шаклда амалга оширилади.

Давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг «.....“ягона дарча” тамойили тўлиқ ишлаши учун барча давлат хизматлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва маълумотлар рақамлаштирилиши лозимлиги, шунингдек, электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонини йил якунигача камидаги 5 бараварга ошириш, 2025 йилгача тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш»ни мақсад қилиб қўйиши<sup>19</sup> бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш ва норматив-хуқуқий базани мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни тақоза этмоқда.

Демак, давлат хизматларини кўрсатишни электрон шаклда амалга ошириш механизми эса ўз навбатида унинг асосий таркибий элементларини хуқуқий тартибга солиш масалаларига эътиборимизни қаратишни талаб этади. Яъни:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахслар учун электрон давлат хизматларидан эркин фойдалиниш имкониятининг таъминланиши;

иккинчидан, давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тартибларини хуқуқий тартибга солиш ва стандартлаштириш;

учинчидан, электрон шаклда давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб қилинган ахборот тизимларининг ахборот ва технологик ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи инфратузилма;

тўртинчидан, электрон имзодан фойдаланишни хуқуқий таъминлаш;

бешинчидан, давлат хизматларидан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини химоя қилишни таъминлаш.

Юқорида билдирилган фикрлар таҳлили асосида, қўйидагича умумлаштирилган холосага келиш билан бирга, бир қатор таклиф ва тавсиялар келтириб ўтамиш:

давлат хизматларини электрон шаклда кўрсатишни жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз фаолиятини тан олиш, ташкил этиш, ўзгарттириш ёки тугатиш каби сўровлари ёки талабини бажариш юзасидан давлат функцияларини амалга оширишнинг янги усули ёки янги шакли сифатида талқин этамиш;

электрон давлат хизматлари кўп қиррали тушунча бўлиб, ваколатли органлар ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг фаолияти; давлат органлари фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилганлиги; давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни кафолатлаши каби қатор ўзига хос хусусиятларга эга;

давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида юзага келадиган муносабатларни бевосита хуқуқий тартибга солувчи «Давлат хизматлари тўғрисида»ги Қорақалпоғистон

<sup>19</sup> Мирзиёев Ш.М. Барча хизматлар учун ягона бўлган электрон рақами имзо ишилаб чиқилади. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган ийгилишдаги маъруzasи//. URL: <https://iza.uz/uz>. (мурожаат қилинган вақт 11.10.2021).

<sup>20</sup> Аманиязова, С. (2022). “Электрон давлат хизматлари” тушунчаси ва моҳияти. Adliya Sohasida Raqamlashtirishni Rivojlantirishning Zamonaliviy Tendensiyalari, 1(1), 71–74. <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-1-8-MTDDFJ-2021-pp71-74>.

Республикаси Қонуни қабул қилиниши ва Қонунда давлат хизматлари тушунчаси, турлари ва уларни давлат органлари томонидан кўрсатиш тартиби, ҳукуқий муносабат иштирокчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлик масалалари, шу жумладан электрон шаклда амалга ошириладиган давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ҳукуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ;

анъанавий тарзда кўрсатиладиган давлат хизматларидан ажратиб турувчи хусусиятлари сифатида: ариза берувчи ва давлат хизматини кўрсатувчи субъект ўртасида алоқанинг йўқлиги; давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий тартиб-қоидаларининг электрон шаклга ўтказилиши; исталган вақтда ва исталган жойдан давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини келтириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Барча хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқилди. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишдаги маърузаси//. URL: <https://uza.uz/uz>. (мурожаат қилинган вақт 11.10.2021).
2. Djumaeva, G., & Shagilova, G. (2022). ELECTRONIC GOVERNMENT IN UZBEKISTAN: CURRENT SITUATION AND DEVELOPMENT PROSPECTS. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 2(1.4 Legal sciences).
3. Аманиязова, С. (2022). “Электрон давлат хизматлари” тушунчаси ва моҳияти. Adliya Sohasida Raqamlashtirishni Rivojlantirishning Zamonaliviy Tendensiyalari, 1(1), 71–74. <https://doi.org/10.47689/978-9943-7818-1-8-MTDDFJ-2021-pp71-74>.
4. Шаститко, А. Организационные рамки предоставления публичных услуг / А. Шаститко // Вопросы экономики. – 2004. – № 7. – С. 150-157. – DOI 10.32609/0042-8736-2004-7-150-157. – EDN – PJEZXXN.//URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=18242124&ysclid=l7wwx49kvi150724238> (мурожаат қилинган вақт 20.10.2021)
5. Лазарев Б.М. Государственная служба. Москва, 1993, с.5-6.
6. Шайдуров С. А. Функция по оказанию государственных услуг: особенности и место среди иных функций государственных органов исполнительной власти // Журнал российского права. 2012.№ 9.С. 120.